

Абдувалитов Е.

ҚОЗОҚ-ҚИРГИЗ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ

Абдувалитов Е.

КАЗАХСКО-КЫРГЫЗСКИЕ ЛИТЕРАТУРНЫЕ СВЯЗИ

Статья посвящена некоторым вопросам казахско-киргизских литературных связей.

The article is about a lot of questions Kazakh-kirgiz literature linkes.

XIX асрда яшаган етук қозоқ маърифатпарвар олими Чүкөн Валиханов қирғиз тили ва халқ оғзаки ижодига катта қызықиши билан ёндашган. Айнан у XIX асрнинг 2-ярмидаги қозоқ-қирғиз адабий алоқалари тарихининг илк саҳифасини битганды. Қирғиз халқ дурдонаси – “Манас” қаҳрамонлик эпосининг илк кашфиётчиси ва тадқиқотчиси сифатида унинг хизматлари айниекса каттадир. У қирғиз халқининг ҳәти, тарихи ва маданиятини ўрганиш учун жуда кўп ишлар қиласди. Шунинг учун ҳам қирғизлар уни ҳақли равишда ўзларининг биринчи маърифатпарвар олими деб билади.

1856 йилда чор хукумати Қирғизистоннинг табиий шароитини ўрганиш учун М.М. Хоментовский бошчилигига ҳарбий-илмий экспедиция ташкил қиласди. Унинг таркибида Чүкөн Валиханов ҳам бор эди. Экспедиция майионь ойлари давомида олиб борилади.

1857 йилда Чүкөн Валиханов яна Қирғизистонга сафар қиласди. Бу сафар олим қирғизлар ҳәтига оид бой материаллар тўплаш билан бирга, “Манас” қаҳрамонлик достонини илк бор ёзиб олади. Олим “Кўкатойхоннинг ўлеми ва маъракалари” номли кизиқарли бир парчасини рус тилига таржима қилиб, достонни тарихий-адабий таҳлил қиласди.

“Манас” ҳақидаги илк маълумотни унинг “Иссиккўлга сафар кундалиги”дан ўқиймиз.

“Кундалик” муаллифи қирғиз халқи ҳақида кўплаб этнографик маълумотлар, ривоятлар, афсоналар, маколалар, баҳши ва оқинлар билан сұхбатларни ёзиб олади. У ёзади: “26 май куни бир қирғиз билан учрашдим. У “Манас” достонини билади. Достон тили сўзлашув тилига қараганда анча тушунарли. Манас афсонасининг қаҳромани - жасур нўғай паҳлавони”. Унинг бутун ҳәти муштлашув ва гўзалларни ахтариш билан ўтади. Фикрлаши у кадар шарқона эмас, у кўпинча отасини койийди, молларини ҳайдаб кетади, унга кўпол муомалада бўлади. Бу-галати. Умуман, барча кўчманчилар қарамликин хурмат қиласди, оқсоқолларга эътибор билан карайди”. Кейин достон сюжети қисқача баён қилинади. Бирок

матн берилмайди. Юқорида айтилганидек, Чўкөн Валиханов достондан парча ёзиб олган, холос. Бу парчанинг қирғизча матнини академик А.Х. Маргулан 1964 йили охиридагина архивлардан топа билди.

Ўз “Кундалиги” да Чўкөн Валиханов “Манас” достонини тавсифлашга илк уринишни амалга ошириб, бош қаҳрамонга баҳо беради. Асарнинг батафсил таҳлилини “Қирғизлар ҳақида ёзувлар” илмий асаридан топамиз.

“Ёзувлар” қирғиз халқи тарихига оид маълумотлар, тарихий ривоятлар, қирғизларнинг тарқалиши, иқтисодиёти, майиши турмуши, анъана ва урф-одатлари, тили ва адабиётига оид манбаларини ўз ичига олади. Улар жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, шарқшунослик фанига кўшилган улкан ҳиссадир. Иссиқкўлнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ривоятнинг ўзи катта илмий қызықиши ўйғотади. У қирғизларнинг яхлит фольклор асари саналади.

“Қирғизлар ҳақида ёзувлар”да “Манас” ҳақида унинг тарихий манбалари, бош қаҳрамон образи, қозоқ ва қирғиз халқларининг дўстлиги ҳақидаги маълумотлар кенг ўрин эгаллаган. Чўкөн Валиханов ёзади: “Манас” қирғиз халқининг ягона романтик асари. Гарчи бу эпик сага, кейинрок тузатиш ва киритмаларга учраса-да, унинг сюжети ёки асоси, албатта, бу дашт эпосига фавқулодда муҳаббат ва хурматга қараганда, қирғиз халқининг хотираларига эга”¹.

“Манас”да қозоқ ва қирғизлар нўғайлар билан умумий манфаатга кўра боғлиқ бўлган алоҳида халқ сифатида танишитиралади. Уларнинг муносабатлари фавқулодда дўстона, ҳатто қондошларча: нўғайлар ва қайсоклар бирлик даврини олтин аср деб атайди. Ҳар бир ривоят бошида “Нўғай ва қозоқлар баҳтли дамларда...” деб сўз бошланади.²

“Ёзувлар”да, “Манас” достонига умумий баҳо берилади. “Шубҳа йўққи”, -деб ёзади у, - “Манас” қирғизларнинг шеърий шаклдаги асосий ва эҳтимол ягона асари, халқ даҳоси ижоди. “Манас” бу – комус, халқнинг барча эртак, қисса, ривоят, географик, диний ва ақлий билимлари ва маънавий тушунчаларининг жами... Манас – бутун халқнинг асари, кўп йиллик меҳнатлар меваси”³

“Манас”га “Джунгория ҳақида очерклар”да янада тўлиқ баҳо берилади.

Унда мулалиф яна достоннинг қисқача мазмунини келтиради, Манас ва унинг шахси, келиб чиқиши, “Ўжар ва ҳиссиятли дашт одами” сифатидаги образи ҳакида кўп гапиради.

Чўқон Валиханов “Қирғизлар ҳакида ёзувлар”нинг “Қиммат баҳо лисон” бўлимида қирғиз халқ шеъриятини уч турга бўлиб таснифлайди. Биринчи турга эртаклар, “халқнинг келиб чиқиши ва машхур қабила бошлиқлари ҳаётидан ажойиб воеалар”ни киритади ҳамда эртакларни сюжет ва композицион жиҳатдан тавсифлайди.

Қирғиз халқ шеъриятининг иккинчи турига “Қабилаларнинг урушлари, баҳодирлар жасорати ҳакида эпик ҳикоялар”ни киритади, уларни достонлар ёки “қаҳрамонлик сагалари” тури деб атайди ва улардан асл халқники ва қайсоқлардан ўзлаширилганларни фарқлаш кераклигини огоҳлантиради.

“Фикримизча, - ёзади мулалиф, - достон энг янги қўшимча ва ўзгартишларга учраган. Эҳтимол, унинг прозаик намуналари бир яхлитликка номланиши ҳам анча кейинги пайтдаги ишдир. “Манас” яхлит кўринишга эга бўлган кўплаб алоҳида эпизодлардан ташкил топган”.⁴

Чўқон Валихановнинг эпик шеърий асарларда шеър тузилишига оид фикрлари катта қизикиш уйготади. “Эпик асар, - деб ёзади у, - ўлчам ва кофияга эга. Шеър тузилиши нозиклиги қиёслар оҳангдошлигидадир”. Шу иккилик кофия ортидан қувиб, улар ажабтовур содда ўхшатишлар қиласи, мақсад факат метрология талабини кондириши. Масалан, Кўкатойхон таъзими ҳакида қўшиқнинг бошланиши:

Элтин эрдин киши экан,
Ата (ли) юртнин боши экан.

Яъни:

Олтин эгарнинг қоши экан.
Бутун юртнинг боши экан.
Кўк дуноннин басыбар,
Кўкатой хоннин асы бар.

Яъни:

Кўк дўннанинг боши бор,
Кўкатой (хон)нинг оши бор.

Бу ўринда Олтин эр (олтин эгар) ва кўк дунан сўзлари факат ата (ли) юрт Кўкатой хон сўзларига оҳангдошлик учун эслатилади.⁵

Чўқон Валиханов “Манас” дан парча ёзиб олиб уни таҳлил қилиш билан улкан илмий кашифий қилди.

А. Маргуланнинг ёзишича, Ч. Валиханов “Манас” эпосини илк марта кадет корпусида ўқиётганида эшитган. “Манас” билан танишиш учун унда имкон бор эди. У ўша даврда Омскка келган катта жўз қозоқлари билан кўп учрашади. Иккинчидан, Ч. Валиханов халқ оғзаки ижодига

алоҳида қизикиш билдириб, унинг намуналарини тўплаб юрган пайт эди. Маргуланнинг фикрича, Ч. Валиханов “Манас” ҳакида илк бор Фринель ёзувларидан (1845) ўқиган. Шу таҳлил у “Манас” билан танишишга тайёрланган.

Собиқ иттифоқ даврида “Манас” эпоси бўйича биринчи фундаментал тадқиқот М.О. Авезов қаламига тегишли. У Чўқон Валихановдан кейин дунё китобхонларини “Манас” билан танишириб, буюк маърифатпарвар ишини давом эттириди. Қозок олими туфайли “Манас” нафақат Қирғизистон, балки бошқа республикаларда ҳам ўрганила бошлади.

1923-1928 йилларда Ленинград давлат университетида таҳсил кўрган М.Авезов турк филологияси (қозоқшунослик) кафедраси аспиранти сифатида қўлэзма билан танишиш учун юборилади. Унга ёрдам бериш сўралади.

30-йилларда ёк “Манас” ҳакида рус ва қозок тилларида бир неча мақола чоп этилади. Булар орасида “Қирғиз халқининг буюк эпоси “Манас”га кириш”, “Манас – қирғиз қаҳрамонлик достони” кабиларни кўрсатиш мумкин.

М. Авезов мақолаларига маълум даражада бир ёқламалик хос эди. Буни айниқса “Қирғиз ва қозок фольклори энг нодир ёдгорликлари”да кўриш мумкин. Бу мақолада М. Авезов акад. Радловнинг қирғиз фольклори фақат эпос, қозоқ фольклори фақат лирикадан иборатлиги ҳакидағи фикрига карши фикр билдиради. У замонавий фан қирғиз ва қозок фольклори эпос, лирика ва кўплаб жанрларга бирдек эга эканини таъкидлайди. Бу халқлар фольклорида сифат тафовути ҳакида масала қўйилиши мумкинлигини билдиради. М. Авезов фикрича, “Манас” ўлчамларига кўра шеърият уммони, у бирданига яралмаган, катталашиб сюжети кенгайиб борган. Эпос асрлар давомида кўплаб авлодларнинг ижодий иштироқи маҳсули сифатида юзага келган.

М. Авезов “Манас”ни тадқиқ қилиб, ўз мақолаларида уни Шарқ ва Farb эпик асарлари: юонларнинг “Илиада ва Одиссея”, роман халқларининг “Роланд ҳакида кўшик”, “Нибелунглар”и, форс “Шохнома”си, фин “Калевала”си, мўгул “Тесериада”си, хинд “Махобҳарат”си ва рус эпослари билан қиёслайди. М. Авезов бу асарларнинг кўпчилигини рус тилида ўқигани боис, уларни услуб ва образли поэтик қиёслашга уринмай, балки сюжети, баён услуби, персонажлар тасвири билан яқинлигини таъкидлайди.

Кўринадики, М. Авезов “Манас”га умуман юқори баҳо бергани ҳолда унинг ғоявий-бадиий киммати ҳакида салбий фикр билдирганлиги ўша давр мафкураси билан боғлиқ.

30-йилларда “Манас”нинг биргина Сагимбой варианти билан ишлаган М. Авезов 40-йилларга

келиб уни бошқа варианлари билан қиёслаш имконига эга бўлди.

У 50-йилларда “Манас”га бағишиланган барча конференцияларда иштирок этиб, “Манас”ни турли гайри илмий фикрлардан химоя қиласди. “Манас”нинг халқ бойлиги эканини, уни қайта тиклаш зарурлигини уқтиради.

Шу тариқа М. Авезов қардош Қирғизистон адабиётшунослик фанига улкан хисса кўша олди.

Чўқан Валиханов ва М. Авезов анъаналарини К.Д. Жумалиев муносиб давом эттиради. У оғзаки ижод орқали халқ ҳаёти, тарихи, маданияти ва турмуш тарзи ҳақида билиб олиш мумкинлиги, фольклор, айниқса эпос, асрлар оша кўплаб ижтимоий формациялардан ўтиб, уларнинг таъсирини хис этишини таъкидлайди. Эпоснинг дастлабки варианти халқпарварлик бўлгани, бу халқ эрмаги эмас, давр талаби эканини билдиради. Академик К.Д. Жумалиевнинг назарий хуносалари қирғиз манасшунослири ишларида ўз аксини топади. К.Д. Жумалиев қардош халқлар эпосини қиёсий ўрганиш муаммоларини ҳам ўртага ташлайди, “Манас”ни қозоқ тилига таржима қилишда фаол қатнашади.

Таникли қозоқ адабиётшуноси Е.С.Исмоилов Ўрта Осиё ва Қозогистон халқ оғзаки ижодини

ўрганиш бўйича катта ишлар қилиб, муҳим хуносаларга келади.

Е.С.Исмоилов хуносасига кўра, эпос ҳамма вақт ҳам тарихий воқеаликни акс эттиравермайди. Қирғиз “Манас”и ё қозоқ баҳодирлик эпосини асл тарихий воқеалар акси деб қараш тўғри эмас.

Улкан тарихий ҳодисалар эпос ва халқ оғзаки ижодининг бошқа шоирлари асосий ғоясига туртки бўлиши, қандайдир сюжет мотивига асос бўлиши мумкин. Муаллиф қозоқ жырши ва жырау ҳамда қирғиз жомакшу ва верчилари ўртасида умумийлик кўплигини, қозоқ оқинлари Жамбул, Кенен ва бошқалар “Манас”ни яхши билгани ва ундан парчалар куйлаганини таъкидлайди.

Шундай қилиб, қозоқ олимлари “Манас”ни ўрганиш билан қирғиз адабиётшунослиги, унинг маънавий маданияти тарихига муносиб хисса кўшдилар ва икки қардош халқ дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат килдилар.

Литература:

1. Валиханов Ш.И. Собрание сочинени в5. Т. Т. А., 1961.
2. Ўша ерда. 362 б.
3. Ўша ерда. 367 б.
4. Ўша ерда. 420 б.
5. Ўша ерда. 367 б.